



ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУМАЛИК КУЧКИНОВ

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ



541.3
K-46

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЧИПЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУМАЛИК КУЧКИНОВ

**БОШЛАНГИЧ СИНФ
ЎҚУВЧИЛАРИНИ
ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Монография

- 3843 -

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ОРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЧИПЧИК ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ОРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЧИПЧИК ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

TOSHKENT
"FIRDAVS-SHOH" – 2022

УДК: 371.3:372.361
КБК 84.3(5ʹ)
К 74

Кучинов А.Ю.

Бошлангич синф ўқувчиларининг экологик тарбиялаш технологиялари.
[Матн]: Монография / А.Ю.Кучинов. – Тошкент: "Findays-Shoh" нашриёти.
2022. – 114 б.

Монография Ўзбекистон давлат педагогика университетининг 2022 йили 15-ноябрдаги Илмий техник кенгашида маъмулиятдан (2-сонли баянома) ва нашр этишга тавсия этилган.

Э.О.Тўралиқулов

Масъул муҳаррир:
– педагогика фанлари доктори, профессор

Таърифчилар:

Авазов Шериммат

– педагогика фанлари номзоли, профессор.

Фариқдун Очилов

– педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори.

Мазкур монографияда бошлангич синф ўқувчиларининг экологик тарбиялашнинг амалиётдаги ҳолати ва унга маъмулий ёндашиш мезонлари ҳамда интеграллашган экологик тарбия технологиялари ёритиб берилган. Муаллиф ўқувчиларни интерфол метод ва усуллар воситасида экологик тарбиялаш технологиялари, дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни экологик тарбиялаш технологиялари тизимини ишлаб чиққан.

Монография бошлангич синф ўқувчилари, педагогика мутахассислиги магистрантлари ҳамда олий таълим муассасасида филолият юртайётган профессор-ўқитувчилар ва мазкур йўналишда изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-8754-1-8

© А.Ю.Кучинов, 2022
© "Findays-Shoh" нашриёти, 2022

СЎЗ БОШИ

Жаҳонда замонавий экологик таълим институтлари бўлган табиот билан чинакам инсоний муносабатларни шакллантириш, табиот билан инсоннинг янада кафолатланган ривожланишини таъминлаш билан ўзига хос ижтимоий-табиий ўлчовини аниқлаш ва мулк-атвор меъёрларини ўзлаштириш масалаларига алоҳида эътиборлик бермоқдалар. Халқаро педагогик ҳамжамият замонавий экологик таълимнинг етакчи вазифаси сифатида шахсни экологик фикрлашга ўргатиш тизимини яратиш ва ўқувчиларга экопедагогик таъмир кўратиш орқали экологик тарбиялаш механизмининг таъминлаштириш устида изланишлар олиб бормоқда.

Дунё экотадқиқотлар тизимида экологик дунёқарашни миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро муносабати, шахсининг табиотга эстетик муносабатининг жамият экологик онги ва маданияти билан интеграл алоқадорлиги сифатида баҳолаш янгича методологик ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини бермоқда. Шу еридан ўқувчиларни экологик тарбиялаш жараёнида экоаълим технологиялар самарадорлигини оширишнинг дидактик таъминотини таъминлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўнучи кулда ривожланган мамлакатларда экологик таълим "фандарро мавзу" сифатида ўрта асосий тушувча – тизим, дунёқараш, келажак орқали таснифланиб, ўқувчиларда табиотга эстетик муносабат ва амалий кўникмалар шакллантирилади.

Мени Ўзбекистонни барпо этишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида белгиланган "аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг ошқоралик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролинини кучайтириш"¹ муҳим аҳамиятга эга бу боралда Ўзбекистоннинг иқлими ўзгариши бўйича Париж битимининг амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар миллий режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, 2019-2030 йилларда Ўзбекистоннинг "яшил" иқтисодиётига ўтиш стратегиялари, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги экологик ҳалокатларнинг олдини олиш вазифаларига эришиш каби улкан мақсадлар йўлида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-5863-сон фармони Тошкент, 2019 йил 30 октябрь.

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида янги давлат бошқаруви тизимини шакллантириш ҳамда ана шу максалда хизмат қилувчи бошлангич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологияларини тақомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Президент Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида таъкидлаганидек, “Биз Орол бўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни тақлиф этади. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани “Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш куни” сифатида жорий қилиш ва амалга ошириш максалда мувофиқ бўларди”².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 187-сон қарори³, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро таълимотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сон⁴, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармони⁵, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 434-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги янги тахрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни⁶, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача Ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш

тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармони⁷, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тарихини даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон фармони⁸ каби меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини амалга оширишда мазкур диссертация таълимоти муайян даражада хизмат қилган.

Умумтаълим тизимида экологиянинг назарий асослари ҳамда экологик маданиятни шакллантиришга қаратилган билим, кўникма, маъна ва компетенциялар мавжуд ўқув фанлари мазмунида ўзгаришлар ва ўзвийлик принципи асосида берилиб, бошлангич таълим (I-IV синфлар) ва умумтаълим (V-XI синфлар) босқичларини ўз ичига қамраб олган яхлит мажмуага айланди. Жумладан, бошлангич синфларда ўқувчилар “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик” каби ўқув фанлари доирасида суғуни келажик ва асраш, атмосфера хавосининг аҳамияти ва уни муҳофаза қилиш, ер ресурслари ва ер ости бойлиқларидан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, инқилибларни йитиш ва жойлаштириш, Ўзбекистоннинг бетақор табиатини асраш, ўзи ашайдиган қишлоқ (ёки шаҳар) табиатини асрашда фавол иштирок этиши, Ўзбекистондаги кўриқхоналар ва табиот боғлари, шунингдек, Орол денгизи фожияси тўғрисида умумий билим, малака, кўникма ва компетенцияларга эга бўлиши назарда тутилганки, булар бошлангич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш муаммосининг долзарблигини белгилаб беради.

² «Халқ сўзи» нусخаси № 202 24.09.2020 <http://ks.uz/uz/site/newsprint?page=6>

³ Компетенциявий ёндашув асосидаги Давлат таълим стандарти. -Т. 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро таълимотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сон қарори.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармони.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи”. №202 (7704), 24.09.2020 йил.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон фармони.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистоннинг янги тарихини даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон фармони.

1 БОБ. БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бошлангич синф ўқувчиларининг экологик тарбиялаш - педагогик муаммо сифатида

Табият – инсоннинг моддий ва маънавий талабларини қондирувчи биринчи манба. Шу сабабдан табият ва жамият ўртасидати муносабатлар қадимдан то ҳозирги кунга қадар барчани қизиқтириб келган муҳим масалалардан асосийси ҳисобланади. Табиат деганимизда бутун борлик, турфа олам, сайёрамиздаги жонли ва жонсиз жисмлар тушунилади. Ернинг жонли қисмига инсон, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва микроорганизмлар, жонсиз қисмига ҳаво, сув ва тоғ жинси катламлари мансуб. Улар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ.

Табият – инсон учун гўёки бешик, бамисоли она қучоғи. Унинг бағри кент, қалъи эса инсон учун ҳамиша очик. У ўз саховати, ноз-неъматларини инсонлардан асло аямайди. Ер эса жамияки бойлиқлар, ноз-неъматлар манбаи. Шу боис инсоният томонидан эъзозланиб, улуғланиб, она-замин дея эътироф этилади. Бутунги кунда таҳдид солаётган энг катта муаммо – экологик ҳалокатнинг олдини олишда атроф-муҳитни меҳр-муҳаббат ва шайқат билан муҳофаза қилиш, эъзозлаш инсониятта ёрдам бериши мумкин.

Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси илми ҳамда амалиётти ўзига хос ривожланиш тарихига эга⁹. Бу тарихта мурожаат қилмасдан экологик таълим-тарбия мазмун-моҳиятини тушуниш қийин кечади. Шу сабабли биз тадқиқот ишмиизда экология ва атроф-муҳит муҳофазасининг ривожланиш тарихини қисқача таҳлил қилишни лозим топдик.

Қадимги Хоразмда мил. авв. VII асрда битилган «Авесто»да атроф-муҳитдаги барча унсурларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва мунтазам ўзгариб туриши, Куёш (олов), ер, сув ва ҳавонинг табиатда, инсон ҳаётида тутган ўрни, уларнинг муқаддас неъмат эканлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, уларни муҳофаза қилиш, деҳқончилик ва чорвачилик, тозаллик ва соғлиқ-саломатлик, қўқаламзорлаштириш, атроф-муҳитга масъулиятли муносабатда

⁹ Авантов Ш. «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» дарслиги 2-нштр. – Т.: «Д.М.ЗИУ», 2014. – 231 б.

булиши, умуман, инсон билан табиат ўртасидати алоқаларининг мазмун-моҳияти (қону-қоидалари) турли ҳаётдан асослаб берилган. Бизгача етиб келган, дастлабки экологик билим ва тажрибавтар жамланган бой меросдан нафақат У.Авестон, балки башарият равнақи йўлида фойдаланиш рўй бергани мумкин бўлган экологик таҳдидларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф этишга хизмат қилади.

Қадимги Ҳиндистонда мил. авв. VI-V асрларда битилган «Махабхарата» ва «Рамаана» қабл эпосларда ҳайвонларнинг яшаш шай, ҳаёт тарзи ва одамнинг улар билан муносабати ўз аксини топади. Қадимги Юнонистонда тирик организмлар ва атроф-муҳит ўртасидати муносабатларни ўрганишга жиддий эътибор қаратилган.

Хуусан, Гекатий (мил. авв. 550-490 йй.) «Ер тавсифи» асарида табият ва атрофдаги олам ҳақида тушунчалар берган. Эратосфел (мил. авв. 490-430 йй.) олов, ҳаво, сув ва ерни табиатнинг асосий унсурлари сифатида ажратиб кўрсатган, ўсимлик билан муҳит ўртасидати муносабатларни ўргатган. Платон (мил. авв. 429-347 йй.) ўз асарларида ўсимлик, ҳайвон ва одамлар, уларнинг яшаш шайи ва хуусиятлари ҳақида маълумотлар берган. Аристотель (мил. авв. 384-322 йй.) «Ҳайвонлар тарихи» асарида ҳаёт шайидаги боғлиқ ҳолда ҳайвонлар таснифини келтирган.

Феофраст ёки Теофраст (мил. авв. 370-288 йй.) «Ўсимликлар қавати тадқиқоти»да 500 га яқин ўсимлик турлари ва уларнинг шайидаги таъсир беради. Страбон (мил. авв. 64 мил. авв. 23 йй.) географик билимлар жамланган 17 жилд «География» китобини ёзган. Қадимги Римда эса Плиний (мил. авв. 79-23 йй.) «Табият тарихи» асарида зоология, ботаника ва ўрмончиликка оид билимларни умумлаштиради.

Ўрта асрларда Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг таърифий-экологик мероси, унинг замонавий цивилизация ривожланиш роли ва аҳамияти жуда катта бўлган. Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккирлар, хуусан, Фиробий (873-950 йй.) «Табиятнинг келб чикиши ва таснифи» асарида ўрта асрларда маълум бўлган 30 дан ортиқ фан, шу жумладан, табият ҳақидаги фанлар, уларнинг таърифи ва аҳамиятини кўрсатиб берган. У «Инсон аълолари ҳақида» рисолисида одамнинг руҳий ва жисмоний